

ТАЪЛИМ ПЛАТФОРМАЛАРИ УЧУН СИФАТЛИ ВИДЕО МАШҒУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мирзохид Шавкатович Раҳмонов

Андижон давлат университети

mrahmonov489@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги кунда жуда долзарб бўлган таълим платформалари учун видео машғулотлар сифатини ошириш ва тайёрлаш босқичлари баён этилган. Шунингдек, мақолада ўқув машғулотларида видео машғулотлардан фойдаланишнинг афзалликлари, сценариц тайёрашнинг моҳияти келтирилган. Видео машғулот тайёрлаш учун Camtasia Studio дастури тавсия этилиб, унинг имкониятлари баён қилинган. Тайёр бўлган лойиҳани нашр этиш вазиятлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: таълимда ахборот технологиялари, видео машғулот, видеосценарий, сценарий, аудио, видео дастурий воситалар, скринкастинг Camtasia Studio, видеомонтаж.

ABSTRACT

The article describes the steps to improve the quality and preparation of video tutorials for educational platforms that are very relevant today. The article also discusses the benefits of using video tutorials in training sessions, and the importance of scriptwriting. The Camtasia Studio program is recommended for video tutorials and its capabilities are described. Cases of publication of the finished project are given.

Keywords: information technology in education, video tutorials, video script, script, audio, video software, screen casting Camtasia Studio, video editing.

КИРИШ

Бугунги кунда таълим тизимини видео машғулотларсиз тасаввур этиб бўлмайдди. Айниқса масофавий таълим платформаларида видео машғулотларнинг сифати, уларни тайёрлаш асослари, машғулот тайёрлаш учун дастурий воситаларни ишлатиш билимлари ва кўникмалари бугунги кунда жуда муаммолидир. Шунинг учун видео машғулотлар тайёрлаш босқичлари,

сенарий тайёрлаш, дастурий воситалардан унумли фойдаланиш видео машғулот сифатига таъсир этувчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таълим платформалари учун видео машғулотлар тайёрлаш педагоглар учун доимо қизиқарли ва муаммоли бўлиб келади. Ушбу мақолада видео машғулот тайёрлаш босқичлари баён этилган. Шу билан бирга видео машғулот тайёрлаш учун дастурий воситалардан Camtasia Studio дастури тавсия этилган.

Интернетда кўнгилочар видеолардан ташқари таълимга оид видео роликлар сони ҳам ортиб бормоқда. YouTube орқали пул ишлаш, кўришлар сонини орттириш бугунги кунда жада ҳам рақобатли бўлиб бормоқда. Шу сабабли видео машғулотлар ёзишда, тайёрлашда скринкастинг технологиясини яхши ўзлаштириш, видео тахрир дастурлар тўғридаги билимларни ривожлантириб бориш жуда зарурдир.

Агар видео машғулотлар тайёрлаш, уларни масофавий таълим платформаларига, YouTube сайтига жойлаш, у орқали ўз аудиториягизга эга бўлмоқчи бўлсангиз ушбу мақолада ёритилган асосий қоидалар, хусусиятлар сизга ёрдам бериши мумкин. Видео машғулотлар тайёрлашда скринкастинг технологияси қўлланилади. Скринкастинг - бу компьютер экранидаги барча ҳаракатларнинг видео, аудио ёзувларини махсус дастур ёрдамида ёзиш ва ишлов беришни таклиф этади [3]. Бугунги кунда бу технология билан ишловчи дастурлар жуда кўп.

Таҳлиллар, амалиётлар шуни кўрсатмоқдаки, Adobe Captivate, Camtasia Studio, BB FlashBack дастурлари қулайлиги, сифатли ва профессионал иш юритиши маълум бўлмоқда [3].

Видео машғулот яратиш билан янги шуғулланишни бошлаган фойдаланувчилар бир нечта критерияларга амал қилиши керак. Шулардан бири видео машғулотлар қайси мутахассисларга эканлиги ва бу видео машғулотлар кимлар учун фойдали эканлиги таҳлил этилади. Шу каби критерияларга жавоб бериш яратилаётган видео машғулотни сифатли ва самарали, тушунарли бўлишига асос яратади. Бу критерияларни эътиборга олиш шунинг учун зарурки, яратилган видео машғулот кимлар учундир жуда оддий ва содда қизиқарсиз бўлиши ёки яна кимлар учундир мураккаб бўлиши мумкин.

Яна бир критерия бу ўқувчилар билан масофавий алоқа қила олиш имконияти йўқ бўлса уларга бу фан ёки соҳага оид нималар маълум эканлиги

тўғрисида маълумотлар рўйхатини тузиш керак. Чунки сиз тайёрлаётган видео машғулот орқали уларда бу мавзуга қизиқтириш, замонавий янгиликлар билан ажаблантиришингиз имконияти пайдо бўлади. Аудитория сиз тайёрлаган видео машғулотлар тўғрисида хабардорлик ҳам фойдаланувчилар сони ортишига сабаб бўлади. Бу ишларни видео машғулотлар бирдан бошқасига ўтиш ссилкаларни таъминлаш, YouTubeга жойлаштирилган видео остига зарурий ссилкалар қўйилиши зарур.

Сценарий тайёрлаш. Кўплаб видео машғулот тайёрловчилар сценарийга амал қилмайди ва тезда съёмкани қизиқ жойига ўтишга ошиқади. Бу эсафойдаланувчи диққатини жалб қилмайди, балки шошқалоқликка олиб келади. Сценарий бўйича ишламаслик кўп вақт йўқотишга, ўқув аудиторияни етарлича ахборот билан таъминлай олмасликка, калитли вазиятлар йўқолишига олиб келади [1].

Видео машғулот аудиторияси аниқлангандан сўнг видео машғулот учун тайёрланган сценарий куйидаги муҳим саволларга жавоб бериш керак.

Видео машғулот ёзишдан асосий мақсад нима?

Бу видео машғулотлар қайси тоифадаги ўқувчиларга, фойдаланувчиларга қандай ёрдам бера олади?

Сиз ташкил қилаётган аудитория қандай даражадаги фойдаланувчиларни эътиборга олади. Янги фойдаланувчилар учунми ёки малакали фойдаланувчилар учунми?

Оддий дарсга нисбатан видео машғулотнинг қандай ижобий самарадорлиги мавжуд?

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Юқоридаги қаби ва шунга ўхшаш саволларга жавоб берилса кейинги тайёрлаётган видео машғулотларни режалаштиришга, сценарий тайёрлашга ёрдам беради.

Ўқитувчи муаммо ривожланишини кутиш ва башорат қилиш учун ўқувчилар кўраётган видеоматериални тўхтатиши мумкин. Видеоматериаллар товушли нутқни тушунишдаги қийинчиликларни англаш ва видеоматериални керакли қисмига ўтиш ва қайта кўриш қулайлигини яратиб беради [2].

Шундай қилиб, ўқув машғулотлар учун видеолар тайёрлашни кўриб чиқамиз. Видео машғулот тайёрлаш шартли равишда бир нечта босқичлардан иборат бўлиши мумкин.

1-босқич. Тайёрланиш, режалаштириш босқичи.

Дастлаб тайёрланаётган видое машғулот мавзуси танланиши керак. Танланаётган мавзу долзарб бўлиши билан бирга ўқувчиларга, фойдаланувчиларга қизиқарли бўлиши керак. Мавзу танлангандан сўнг видео машғулот учун ном танланиши керак. Видео машғулот номи шундан бўлиши керакки тушунарли, содда, эгилувчан бўлиши ва интернетда ушбу мавзудаги видеолар рўйхатидан айнан сизнинг видеоингизни танлашига эришиш керак. Биринчи босқичнинг энг муҳим қадамларини кўриб чиқамиз.

Видео машғулот учун сценарий тайёрлаш. Сценарий-келажак жараённинг мантиқан ўзаро боғланган ҳодисалар, босқичлар кетма-кетлиги баёни ва охирги натижа башоратидир. Сценарий яратилаётган видео машғулотнинг пойдевори, асоси ҳисобланади. Шунинг учун етарлича вақт сарфлаб ёзилган сценарий, мувофақиятли видео машғулот кафолати бўлади [4].

Худди шунингдек видое остига видеодаги оғзаки нутқ матни (субтитр) киритилиши керак. Бу эса овозни эшитиш билан бирга нутқни кўриш имконини беради. Субтитр матн тайёрлаш жуда муҳим вазифа ҳисобланади. Бу ерда ҳар ким ўзининг оғзаки нутқ усулидан келиб чиқиб бу матнни тайёрлай олади. Машғулотдаги матн, нутқ барча учун тушунарли, ижро сифати яхши бўлиши ва ўқувчиларга қизиқарли бўлишига эътибор бериш керак.


Тайёрлов босқичининг муҳим қадамларидан бири мавзу учун кўргазмали материаллар тўплаш, қидириш ва тайёрлашдан иборат. Улар расмлар, фотолар, анимациялар, мусиқали файллар ва видео машғулотда иштирок этувчи бошқа материаллар бўлади. Бундай материалларни тайёрлаш ва ижод қилиш учун график редакторлар-Paint.net, Adobe Photoshop, Adobe Illustrator, Geogebra ва бошқалар ишлатилади. Geogebra дастури турли геометрик фигураларни чизиш, турли анимацион лойиҳалар тайёрлаш имконини беради. Бу дастур чизма геометрия, стерометрия фанлари учун видео машғулотлар тайёрлашда ишлатилади.

2-босқич. Иккинчи босқич овозни овоз йўлакчасига ёзишдан иборат. Бу ерда иш моҳияти шундан иборатки, бир уринишда сифатли, идеал, жарангли овоз ёзиш мураккаб иш ҳисобланади. Шунинг учун овозни бир неча марта қайта-қайта ёзиш ўрнига аудиоредактор дастурни ишлатиш тавсия этилади. Бу дастур ёрдамида овознинг нотўғри ёзилган жойларини қайта ёзиб тўғрисиغا алмаштириш, ортиқча шовқинни йўқотиш, темпни тахрирлаш, овоз баландлигини созлаш ва бошқа имкониятларни беради. Шу мақсадда мутлақо

бепул Audacity аудиоредактор дастурини ишлатиш тавсия этилади. Дастурни интернетдан кўчириб олиш мумкин. Дастурнинг овоз устида ишлаш имкониятлари юқори бўлиб, содда интерфейсга эга. Шу билан бирга фойдаланувчилар томонидан осон ўзлаштирилади.


3-босқич. Видео ёзувни амалга ошириш. Учинчи босқич муҳим бўлиб, интернетдаги деярли жуда кўплаб видеолар видеое ёзиш ва тахрирловчи дастурлари ёрдамида тайёрланади. Видео редактор дастур номлари тўғрисидаги маълумот юқорида келтириб ўтилди. Дастурий воситалар орасида Camtasia Studio дастури тавсия эта оламиз. Чунки бу дастур ёрдамида информатика фанининг турли мавзуларида видеое машғулотлар тайёрладим. Йиллар давомида унинг Camtasia Studio 7,8,9 версиялари ишлатдим. Ўз билим ва малакаларимга асосланган ҳолда айтишим мумкинки бу дастурни ўзлаштириш, видеоларни монтаж қилиш, лойиҳани турли форматларда публикация қилиш ишлари осонлик билан бажарилади [5]. Бу дастурни ушбу ссилка ёрдамида <https://www.techsmith.com/download/camtasia/> юклаб олиш мумкин.

Видео ёзувни амалга ошириш учун дастурнинг Camtasia Recorder 2018 модулини ишга туширамиз ва рес кнопкасини босамиз (1-расм).



1-расм. Camtasia Recorder 2018 модул интерфейси.


Кейинги қадамда эса видео ёзувни тахрирлаш, монтаж қилиш ишлари амалга оширилади. Camtasia Studio дастурида видео ёзув тугатилиб хотирага олингандан сўнг автоматик равишда дастурнинг Camtasia Studio модули ишга тушади ва лойиҳани хотирага олишни таклиф этади.



2-расм. Camtasia Studio модуль интерфейси.

Лойиҳани монтаж қилиш давомида видеога матнлар киритиш, библиотекадаги медиа файлларни қўйиш, примечаниялар ёзиш, видеолар алмашинувида турли эффектли переходлар бериш, видеонинг турли жойларини турли масштабларда намойиш этиш, сичқон кўрсаткичи эффектларни ўзгартириш ва бошқа кўплаб имкониятлардан фойдаланиш мумкин (2-расм).

4-босқич. Бу босқич сўнгги босқич бўлиб, видеони керакли форматга конвертация қилиш, Интернетга жойлаш ишлари амалга оширилади.



3-расм. Лойиҳани керакли форматга публикация қилиш

Лойиҳанинг барча тахрирлаш ишлари яқунлангандан сўнг “Вывод” бўлимига ўтилади. У ердаги бўлимлардан заруриятга кўра керакли публикация танланади. Конвертациялар жараёни тугагандан сўнг ва видео машғулот фойдаланишга тайёр ҳолга келади. Одатда Camtasia Studio дастурида конвертация бўлган видео файллар автоматик равишда “Документы/Camtasia Studio” папкасига жойлаштирилади.

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, таълим платформалари учун сифатли, қизиқарли ва фойдаланувчилар учун зарур бўлган видео машғулотлар яратиш учун еталича меҳнат, сабр ва аниқлик, режалаштириш талаб этилади. Бу мақолада келтирилган фикрлар ўз фани доирасида видео машғулотлар тайёрлашни бошлаган педагоглар учун фойдали бир манба бўлади, деб умид қиламиз.

REFERENCES

1. Арбузов.С.С. Технология подкастинга как средство активизации учебной деятельности студентов при обучении компьютерным сетям / Педагогическое образование в России. №7,2015 г.С 30–34.
2. Волик О.Н., Сулейманова Е.А. Состав и структура методического обеспечения информационно-средового подхода к модернизации профессионального образования // Образовательные технологии и общество (Educational Technology & Society). – 2012. - Т. 15. - № 4.
3. Д. Зиядуллаев, М.Раҳмонов. Таълим тизимида скринкастинг технологияларини қўллаш. ТДПУ Илмий ахборотлари. Илмий-назарий журнали №3(8) 2016 й.
4. Евсеева Л. Н., Коряпина М. А. Использование аутентичных видеоматериалов на уроках иностранного языка с целью формирования межкультурной коммуникативной компетенции обучающихся старших классов общеобразовательных школ. Современные методы и технологии преподавания иностранных языков : сб. науч. ст. / Чуваш. гос. пед. ун-т ; отв. ред. Н. В. Кормилина, Н. Ю. Шугаева. – Чебоксары : Чуваш. гос. пед. ун-т, 2019. – 449 с.
5. М.Ш.Раҳмонов. Видео машғулотларнинг дарс самарадорлигига ижобий таъсири ва зарурий тавсиялар. Захириддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети. Илмий хабарнома.Серия: Педагогик тадқиқотлар. 2020/6 (50)